

Ободолмас тўраси
Бўлими

40289024 - сон
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

“26” сентябрь 2022 йил

Иштихон ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) номидан 23.11.2020 йилдаги №56-03-09/3568 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Самарқанд филиали Иштихон туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи А.Э.Ражаббоев (кейинги ўринларда-Оператор) бир томондан ва Иштихон т. Ободолмас тўраси номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи А.Иброҳимов (кейинги ўринларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўринларда биргаликда-Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1 Абонентушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда — Оферта) шартлари билан тўлик танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2 Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3 Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1 Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2 Абонентушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3 Томонларушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китобва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоз микдоридан олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 450000 (Тўрт юз эллик миң) сумни ташкил этади.

Ушбу сумма 150000 (Бир юз эллик миң) сум микдоридаги Абонент тўловини ҳамда _____) микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча қилиш/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун пасталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўлашни мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлик календарь ойичун умумий микдори кўрсатилади

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тўри бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангандир тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим

этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобиди, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.
3.9. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонларжавобгарлиги

4.1. ТомонларОфертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларниҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзга келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлармазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.1. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.2. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний Қоидалар

7.1. УшбуШартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга қиради ва «31» декабр 2022 йилга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш, муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга тадбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 20 22 йилга қадар амал қилади.

7.2.2. Абоненттомонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. УшбуШартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнингманзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар руй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. УшбуШартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. УшбуШартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнингманзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
<p>“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали Манзил: 140103, г.Самарқанд,ул.М.Улугбека,92 Банк маълумотлари: х/р: 20210000804074838397; СТИР:203366731; МФО:00401; АТБ “Алокабанк” Тел: (66) 240-0011, (66) 234-7574,(66) 234-7553; E-mail: samtel@uztelecom.uz;</p>	<p><i>Иштихон т. Ободов</i> Манзил: <i>Иштихон кучаси 124 А/у</i> Банк маълумотлари: х/р: <i>100022860182127065200110001</i> СТИР: <i>206932760</i>; Иштихон тумани буйича Газначилик булинмаси Газна х/в: 23402000300100001010. Марказий банк Тошкент шаҳри Бош бошқармаси ХККМ МФО: 00014. СТИР: 201122919. E-mail:</p>
<p>Оператор номидан: <i>А.Э.Ражаббоев .(Ф.И.Ш)</i> ИМЗО/ м.ў.</p>	<p>Абонент номидан: <i>А.Х. Ибродимов</i> ИМЗО/ м.ў.</p>

Кўрсатиладиган хизматлар
 Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги—Миллий валюта (сўм)					
т/р	Хизматлар номи	ҚҚСбилан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚСбилан Тўлов микдори, 1 ойлик (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
	Рўйхатга олиш учун бир марталик тўлов		Нархнома		
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
	Mini-office-2 тариф режаси бўйича _____ Мб/с тезлигида UZ-IXvaTAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғигакириш,	150000		3	450000
2.1	Абонент тўлови		Нархнома		
	Жами (олдиндан тўлов)				150000

Жами олдиндан тўлов микдори 150000 (Бир юз эллик минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.
 Шартноманинг умумий микдори 450000 (Тўрт юз эллик минг) сўмни ташкил этади. Ундан 150000 (Бир юз эллик минг) сўм микдорида ойлик абонент тўлови ҳамда _____ сўм бир марталик GPON технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:

АБОНЕНТ:

“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали

Иштихон т. Абдуқодирши
 Бошқорилар

Оператор номидан:

Абонент номидан:



/А.Э.Ражаббоев/



А.Х. Абдуқодирши

м.ў.